

Ўзбек мумтоз шеърляти жанр эътибори билан жуда бой ва хилма-хилдир. Ундаги жанрлар факат шаклий белгилари пайдо бўлиш тарихи, тараккиёт тамойили ёки мавзу хусусиятлари билан эмас, ифода усуллари, тили, образлар тизими, поэтик рухи жихатидан ҳам бир-биридан ажралиб туради.

Хар бир лирик жанр вркеликни, инсон фикр ва хис-туйгуларини ўз бадий ифода усулари ҳамда характерига мос тарзда тасвирлайди. Шунинг учун уларни мохият эътибори билан бири иккинчисига унча ўхшаш бўлмаган, ўз-ўзича тугал бир санъат олами дейиш мумкин.

Лирик жанрлар тарихи ва поэтикасига кизикиш ўзбек адабиётшунослигида кейинги йилларда анча жонланди. Баъзи лирик жанрлар хакида у ёки бу санъаткорнинг адабий фаоляти билан боглик холда мухим назарий фикрлар баён этилди. Айрим жанрлар хакида махсус илмий ишлар юзага келди. Аммо шунга карамасдан, бу сохада хали кўпгина жиддий тадкикотларни амалга ошириш керак бўлади. Бу гап китъа жанрига ҳам тегишли. Тўгри, ушбу жанр узок замонлардан бери олимларнинг диққатини ўзига каратиб келди. Бу ўринда Е.Э.Бертельс, А.Мирзоев, А.Хайитметов, А.Абдугафуров, Ё.Исхоков, Р.Орзибеков, Л.Сериковава бошка адбиётшуносларнинг китъа хакидаги илмий кайд ва маколаларини эслаш мумкин. Шунга карамасдан, бу масаланинг айрим томонлари хали тадкикга мухтож.

Биз эса китъа ва газал муносабати хусусида фикр юритмокчимиз.

Хар бир лирик жанрнинг иккинчи бир лирик жанр билан у ёки бу шаклда якинлик, алокадорлик томонлари бўлади, албатта. Аммо бу тўгрида гапирганда, аввало хар бир жанрнинг факат ўзига хос поэтик хусусият ва такомилни эътиборга олиш лозим. Зеро, хар бир лирик жанр бадий ижод оламида ўзининг глявий-бадий вазифаси билан тугилади. Акс хода жанр хилма-хиллигитўгрисида гап бўлиши мумкин эмас. Одатда, шеър хаётий зарурият, маънавий-рухий эhtiёждан дунёга келади. Жанр категорияси ана шу эhtiёж ва заруриятнинг турли тарзда шаклланиши, шаклга муносиб мазмун,

мазмунга муносиб шакл холида кўринишидир.

Маълумки, газал алохида шеърий жанр ўларок XII асрдан бошлаб форс-тлжик, XIV асрлардан эса, туркий адабиётда кенг тараккий килган [1]. Газал учун асос эътибори ила олдинги ўринда мухаббат темаси турган ва бошка гоёлар асосан ана шу мавзу оркали ёритилган. Газалнинг тили ва рухи кўтаринкиликка, кўтаринки кайфиятлар, хаяжон ва эхтиросларни тараннум этишга йўл очади. Шунинг учун маъно ва туйғу газалда ўзгача бир кўрк ва фусун билан тазаххур топади. Газалнинг тили – кўнгил тили, дард ва армон тили. Чунки мумтоз шеъриятимиздаги бирор бир лирик жанр инсон кўнгли ва рухи сир-асрорини газал даражасида жонли ифодалай олмаган. Матлаъ ва шоир тахаллуси кўлланилган мактаънинг бўлиши газалнинг зарур поэтик талабларидан хисобланган. Фикрий ва хиссий яхлитликка эришиш, яъни Алишер Навоий таъкидлаганидек, “хар мазмунда матлаъе вокеъ бўлса”, “мактаъгача сурат хайсиятидан мувофик ва маъни жонибидин мутобик”лик

[2]

, яқпоралик ўзбек газалиёти учун характерли хусусият бўлган.

Маълумки, лирик жанрлар хол ва мохиятига караб бир-биридан ажралиб туради. Шунга асосланилса, газал ва китъа шеъриятнинг бир-бирига ўхшамайдиган икки ирмоги эканлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Бу – масаланинг бир томони. Иккинчидан, Шарк адабиётида китъа жанри хали газалнинг шаклланиш жараёни бошланмасданок тўла такомил топган. Бу жанрнинг Рудакийгача бўлган даврлардаги шоирлар ижодида кенг ўрин эгаллаганлиги шундандир. Бу ҳақда академик Абдулгани Мирзоев газалга багишланган кимматли рисоласида ҳам фикр билдирган. Шу ўринда икки нарсани алохида таъкидлаш зарурга ўхшайди.

1. Ўтмишда гоҳо касида ва газалдан юлиб олинган теран мазмунли шеърий парчалар илми ва адабиёт ахли ўртасида “китъа” деб аталган. Бирок бунда истилохий маъно кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, ўзининг барқарор назарий қонуниятларига амал қилинмай яратилган кичик хажмдаги лирик шеърларга ҳам китъа номи берилган. Масалан, рубоийнавис шоир рубоий учун белгиланган анъанавий қонун-қоидалардан чекинган бўлса, у яратган тўртлик мазмунан қанчалик теран ва жозибали бўлмасин, барибир рубоий эмас, “... соддача “китъа” дейилган” [3]. Бундай шеърларнинг китъа деб номланишидан катъи назар, уларнинг китъа жанридаги шеърлар билан алоқаси йўқлиги изоҳсиз англашилади, албатта.

2. Классик шоирларимиз баъзан олдин ёзилган китъалари асосида янги касида ва газаллар яратишган. Бу факт ҳам китъанинг газал билан тўла уйғун холати бўлган,

деган гоёни илгари суришга имкон бермайди.

Бадиий ижод тажрибасидан шундай далиллар ҳам маълум. Масалан, кичиккина шеър катта бир поэманинг яратилишига асос бўлади, бирор хикоя заминида бутун бошли кисса дунёга келади ва х.к. лекин бу билан шеър ўзининг дастлабки шеърлик мохиятини, хикоя ўзининг баркарор жанр белгиларини йўқотмайди, аксинча, бир маъно икки жанр имконияти даражасида ўзининг бадиий талкинига эришади.

Маълумки, Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаронинг подшоҳлик тахтига чиқиши муносабати билан “Хилолия” касидасини яратган. Ана шу материалнинг у ёки бу киррасини шоир ўзининг бир канча рубоий ва китъаларида ҳам ёритиб берган. Бирок Навоий ҳар гал бу мавзуга ҳар бир жанрнинг талаб ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлган.

Лирик жанрларнинг бир-биридан фаркли бадиий қонуниятлари, узок йиллар адабиётлар ва ижодкорлар тўплаган маълум усул ҳамда йўллари бўлади. Санъаткор ёзувчи буни инобатга олмаслиги мумкин эмас. Янги жанр – бу доимо ҳаёт материали ёки мавжуд материалнинг янгича ифодаси, ифоданинг янгича усули, ҳуллас, янги шакл ва мазмун бирлигидир. Шоирлар лирик жанрларнинг ҳаммасида ҳам бир хил услуб, бир хил имконият, бир хил рухий кайфият билан ёза олмайдилар. Шу ўринда Гафур Гуломнинг, “Мотам вазнида “гулёр” айтиб бўлмаганидай, “суворий” чалинганида йигланмайди. Бу деган сўз айтилмоқчи бўлган мазмунга муносиб ифода ва шакл танлаш зарур демакдир”

[4]

, деган сўзларини эслаш мақсадга мувофиқдир. Бугина эмас. Улкан ёзувчилардан бири узок йиллик адабий тажрибаларни ҳулосалаб, “жанрни биз эмас, бизни жанр танлар экан” деб ёзганди. Бу гапдан ҳар бир жанрнинг ўз бадиий хусусиятлари, талаб ва эҳтиёжлари бўлади, уларни албатта ҳисобга олиш зарур деган ҳулоса келиб чиқади. Худди шу нарса китъа учун ҳам тўла ҳосдир.

Китъа (кўплиги мукаттаот) арабча сўз бўлиб, лугавий маъноси парча, бўлакдир. Истилоҳда китъа ўзининг алоҳида поэтик белгиларига эга, мавзу йўналиши катъий чегараланмаган икки ёки ундан ортиқ байтли шеър маъносини билдиради.

Эрон олимларидан бир Мухаммад Ризо Дойи Жавод китъани қуйидагича таърифлайди: “Бирор нарсанинг парчаси лугатда китъа деб аталади. Адабий истилоҳда икки байтдан кам бўлмаган, ўзига хос қофия ва вазнга эга бўлган шеърларга китъа дейилади.

Китъада ягона бир максад баён этилади ва у мантикан интихосига етказилади. Китъанинг кофия хусусияти унда биринчи байт ўзаро кофияланмаслик билан характерланади” [5] .

Китъа шакл томондан ҳам, мазмун жихатдан ҳам ўзига хос катор сифатларга эга жанр. Одатда, китъанинг биринчи байти кофияланмайди. Унинг кофияланиш тарзи: аб, вб, дб, гб шаклидир. Бу жанр хажм жихатдан конкрет чегарани билмайди. Китъа икки байтдан бошлаб, ўн ва ўндан ортик миқдорда бўлиши мумкин. Шарк поэтикасида кичик хажмдаги китъалар “али ул талок китъа”, тўрт байтдан ортиклари эса “китъайи кабир” деб номланган. “Али ул-талок китъа” – фасохатли, хушбаён ва мухтасар маъноларни билдиради. Шоирлар кўпинча худди шу хилдаги китъалардан ёзишга интиланлар. Бу масалада шуни айтиш лозимки, ўзбек адабиётида умуман тўрт байтдан ортик миқдордаги китъалар сийрак учрайди. Бу тасодифий ҳолат эмас, албатта. Чунки, биринчидан, китъа ўзининг характери, поэтик руҳи билан ихчамликка, конкретликка дохил жанр. Иккинчидан, классик шоирларимиз шакл танлашда мумкин қадар ихчамликка интиланлар. Киска шаклда катта мазмунни сигдиришни бадиий маҳоратининг муҳим белгиларидан деб билганлар. Бундан ташқари китъа аксар бадиҳа тарзида айтилганини кўшсак, моҳият янада ойдинлашади.

Классик лирикадаги жанрларга эътибор қилинса, улар тематик йўналишлари билан сезиларли даражада бир-бирларидан ажралиб туришини пайкаш қийин бўлмайди. Бу хусусиятдан китъа ҳам маҳрум эмас. Тожик адабиётшуноси Б.Сирус ёзади: “Мазмун жихатдан китъа газалдан оз фарқ қилади” [6] . Холбуки, китъа мазмун моҳияти билан газалдан кескин фарқланади. Бу икки жанр орасидаги ғоявий-бадиий ўзига хослик худди мана шу нуқтада янада ёрқин, янада аниқроқ намоён бўлади.

Таникли шаркшунос Е.Э.Бертельс китъани Якин Шаркнинг деярли барча девонларидаги “... мазмун эътибори билан жуда бой ва кизикарли бўлим” эканлигини қайд қилган эди [7] .

Профессор А.Хаймитметов эса бу ҳақда шундай ёзади: “Шеърнинг форс-тожик ва ўзбек адабиётларидаги бу қадим тури (*гап китъа хусусида кетаётир* - .И.Х.) одатда бирор воқеа ва ходиса муносабати билан яратилган экспромт шеърларини эслатади. Улар кўпинча хаётий юмор билан сугорилган бўлиб, шоирнинг ўз даври турмушига муносабатини ифодалайди” [8] .

Китъанинг мавзу кўлами хаёт қадар кенг ҳамда тармокли. Бу жихатдан Шарк лирикасидаги бирорта ҳам лирик жанр китъага тенглаша олмайди. Унда ижтимоийсиёсий, фалсафий, ахлокий-таълимий ва ишкий масалалар ифодаланган; бу жанрда шоирлар хаёт завқи, умид ва ишонч. Инсонийликни улуглаш, одоб ва трабия масалалари, эътикод ва бурч, эл ва юртга мухаббат, сўфиёна кайфиятлар, замондан шикоят ва хоказоларни каламга олганлар; бу жанрда мадхиялар, марсиялар, тарихлар дарж этилган.

Алишер Навоий китъаларида табиатдаги оддий кургокчилик ходисаларидан тортиб, коинотнинг илохийёт пардалари билан бурканган сир-асрорларигача, чумолидан тортиб, улуг Инсон ҳолати, ҳаркати ва қисматигача, барча-барчасига муносабат билдирилган. Улар “китъа-китъа бог” этилган. Албатта, Алишер Навоийдаги бу тенгсиз салоҳият китъа ёзган барча шоирларга ҳос ҳусусият, демокчи эмасмиз. Ижодий уфқнинг кенглиги фақат Навоий каби буюк санъаткорларнинг талантига ҳос ҳусусиятдир. Гап шундаки, шоир фикран ва рухан теран бўлсаю, хаёл-кечинмаларни шеър билан ифода этишга интилса, китъа жанри унга ажойиб имкониятлар беришга қодирдир. Худди шу ўринда масаланинг яна бир муҳим қиррасини изоҳлаш керакка ўхшайди. Классик шоирларимиз ўзларининг газал, рубоий, туюк, қасида ва бошқа қатор жанрларидаги асарларини фақат илҳом, фақат ҳис ва фикр омиллари асосида эмас, “балки ўз замонаси адабиётининг қоида ва назарияларига”, “илми бадеъ” усулларига риоя қилиб яратган”лар [9]. Бу эса шоирга олдиндан белгиланган назарий қонунлар, принципларга бўйсуниб қалам тебратиш масъулиятини юклаган. Аммо китъада бундай анъана бўлмаган [10]. У поэтиканинг “темир қонунлар”и исқанжасидан озод яшаган. Ўз навбатида бу ҳам китъада турли-туман хаётий гоёларни талқин этишга кенг имконият тугдирган. Ана шу боис бу жанр сўзда, образда, шаклда ортикча мумтозликни, бўёқдорликни талаб қилмаган. Ва китъада реалистик оҳанглар, хаётий деталлар классик лирикадаги бошқа жанрларга қараганда кенг ва кўп бўлган. Мана, тилни олайлик. Китъа тилида ортикча бўёқ ёки безакдорлик йўқ. Унда газал тилига мос саналмайдиган “... лексик бойликлардан, турли халқ ибораларидан, “кўпол”, “дагал” сўзлардан...” [11] ҳам кенг фойдаланилган. Мисол сифатида Алишер Навоий китъаларидан бирга мурожаат этайлик:

Умрини аблах кечуриб гафлат ила,

Нукта ўрнигақим тортар харрос.

Бир эшакдурки, тагофил юзидин

Килгай изхор паёпай аррос [\[12\]](#) .

Бу китъада одамлар характерида учрайдиган бадлафзлик, кўрслик кескин кораланмоқда. Ифодаланаётган маънонинг таъсир даражасини ошириш, фикрни лўнда ва образли баён этиш учун шоир хаётий бир детални шеърга олиб кирган. Яъни, гофил кимсани аррос эшакка киёслаган. Бу ташбех ёрдамида фикр янада ёранлашган. Масалан, шеърни ўқиган кишида сўзлар шаркона назм жилосидан (касида, газал ва бошка жанрлардагига ўхшаб) махрумдек таассурот тугдириш мумкин. Гўё унда ташбих шеърга соя солгадек, гўё шоир гўзаллик туйгусига тўла риоя этмагандек. Аслида, бу алдамчи бир таассуротдир. Чунки шоир учун энг мухими фикр бутунлиги ва аниқлигидир.

Хуллас, китъа газал, рубоий каби мустакил бир лирик жанр хисобланади. Унинг ўзига хос поэтик табиати бор. Китъа ўзининг композицион кўринишлари, образлар тизими, тил хусусияти ва ифода усулларига эга жанр. У газалнинг бир парчаси ёки баъзи олимлар айтганидек, газалдан юлиб олинган “маълум бир бўлак” сифатида юзага келмаган. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Китъа Шарк адабиётида газалдан анча олдин пайдо бўлган жанр.

Ижтимоий-сиёсий, ахлокий-маърифий ва бошка мавзуларда ёзилган, ўзига хос кофия тарзига эга, икки байтдан кам бўлмаган, ўзида маълум бир поэтик хусусиятларни мужассамлаштирган шеъринг парчалар китъа дейилади. Китъада шоирлар, асосан, турмуш ва реал воқелик билан алоқаланган таассуротлар, ижтимоий хаёт, ахлоқ масалаларига доир гоюларни лўнда, содда йўлларда ифода этганлар. Шу маънода китъа – маъно ва мохият ойнаси, шоир эхтиросларининг куюлиб, фикрда теранлик кучайган холати. Ёки шу холатлар хосиласи эрур.

Ўзбек тили ва адабиёти,

- [1] Газалнинг поэтикаси ва эволюцияси хакида каранг: Бертельс Е.Э. История персидско таджикской литературы. – М.: 1960; Бертельс Е.Э. Наваи и Джами. – М.: 1965; Мирзоев А. Рўдаки ва инкишофи газал дар асрҳои X-XV. – Сталинобод, 1958; Хайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент, 1961; Носиров О. Ўзбек адабиётида газал. – Тошкент, 1972; Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат. – Тошкент, 1976.
- [2] Алишер Навоий. Асарлар. IV том. – Тошкент, 1965. – Б. 467.
- [3] Кўприлзода М.Ф. Турк адабиёти тарихи. 2-том. – Истанбул, 1920. – Б. 203.
- [4] Гафур Гулом. Адабий-танкидий маколалар. I – жилд. – Тошкент, 1971. - Б. 416.
- [5] Дойи Жавод. Зебоихои суҳан ё илми бадеъ дар забони форсӣ. – Исфохон, 1335 х. – Б.318.
- [6] Сирус Б. Кофия дар назми тоҷик. – Сталинобод, 1955. – Б. 149.
- [7] Бертельс Е.Э. Навоӣ ва Джамӣ. – М., 1965. – С.95.
- [8] Хайитметов А. Шарҳ адабиётининг иҷодӣ методи тарихидан. – Тошкент, 1970. – Б. 143.
- [9] Шайхзода М. Устод санъатхонасида. Асарлар. IV том. Тошкент, 1972. – Б. 221.
- [10] Бертельс Е.Э. Навоӣ ва Джамӣ. – С. 95.

[11] Абдугафуров А. Навоий сатираси. I китоб. – Тошкент, 1965. – Б. 80.

[12] Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 3-китоб. – Тошкент, 1960. – Б. 703.